Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 18 август, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 67 (7160)

Da`vat

Билим, маърифат яхши аҳлоқ билан безанмоғи лозим.

Абу Наср ФОРОБИЙ

Ibrat

Бахмал туманининг бир қатор ташкилотлари томонидан кам таъминланган оилалар фарзандларини дарсликлар билан таъминлаш мақсадида 750 минг сўм маблағ ажратилди. Туман ХТБдан олинган маълумотга қараганда, бу рақам 1 - 1,5 млн. сўмга етказилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида

«Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 13 майдаги 203-сон қарори бажарилишини таъминлаш, таълим мазмунига ислоҳотларнинг бош мақсадидан келиб чиққан ҳолда зарур тузатишлар киритиш, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва 1998-1999 ўқув йилида таълим муассасаларида тажриба-синовдан ўтган умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

1998-1999 ўқув йилида таълим муассасаларида тажриба-синовдан ўтган умумий ўрта таълимнинг ўқув дастурлари ва режаларини белгиланган тартибда тасдиқласин;

1999-2000 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув дастурлари билан биргаликда қуйидагича босқичма-босқич жорий этсин:

- 1999-2000 ўқув йили 5-6 синфлар;
- 2000-2001 ўқув йили 7-синф;
- 2001-2002 ўқув йили 8-синф;
- 2002-2003 ўқув йили 9-синф;

умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини нашр этсин ва 1999 йил 1 сентябргача таълим муассасаларига етказсин;

янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига асосан оригинал дарсликларни яратиб, белгиланган тартиб ва муддатларда нашриётга топширсин;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб педагог кадрларни янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари билан фаолият кўрсатишларини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида яратилган оригинал дарсликларни буюртма ва эҳтиёж асосида ўз вақтида чоп этиш ҳамда жойларга етказишни таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Халқ таълими вазирлиги тақдим этган смета асосида давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларни нашр этиш учун сарфланадиган маблағларни белгиланган тартибда ажратсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари учун давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқишда таълим турлари ва босқичлари ўртасидаги узвийликни, таълим мазмуни узлуксизлигини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.С.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.Каримов

Тошкент шаҳри
16 август 1999 й.

ТАЛАБЛАР ЯНАДА ОЙДИНЛАШДИ

Qaror va ijro

Республикамизда умумий ўрта таълимни ташкил этишга доир яна бир муҳим ҳужжат — умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган ўқув фанлари бўйича Давлат таълим стандартлари Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланди.

Бу ҳужжат таълим-тарбия соҳаси олдига қўйилаётган талабларни янада ойдинлаштириб, педагогларга, таълим тизими ходимларига аниқ вазифаларни юклайди. Ана шу масъулиятни дилдан ҳис этиб, мазкур стандартларни яқин кунларда бўлиб ўтадиган Август кенгашларида ўрганиб чиқиш, уларнинг жойлардаги татбиқини йўлга қўйиш галдаги муҳим иш ҳисобланади.

Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари Халқ таълими вазирлигининг «Таълим тараққиёти» ахборотномаси (7 та) махсус сонларида берилади.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари газетанинг 2-,3-саҳифаларида берилмоқда

Aks sado

ЭРКИН ФИКРЛАШ ИСТАКМИ Ё ЗАРУРИЯТ...

«Маърифат»нинг шу йил 7 август сонида босилган Фаёз Мусаевнинг «Мустақил фикрлаш нима?» сарлавҳали мақоласи мени шу соҳадаги тажриба ва кузатишларимни газетхонлар билан ўртоқлашувга ундади.

Маълумки, тарбияшунос мутахассислар таъкидлашича, катта ёшдаги шахс фазилатларининг деярли 70 фоизи беш ёшгача шаклланиб бўларкан. Чунки бу даврда мурғак руҳи, ҳиссиётлари, қалби беғубор (вакуум)лигидан уни гармоник ривожлантириш ниҳоятда қулай кечади. Демакки, мактабгача ёшдагилар тарбияси ўта нозик ва у билан ниҳоятда эҳтиёткорона шуғулланиш зарур. Жумладан, бола туғилганданоқ яшаш учун кураш ҳаракатига тушади. Унинг (инстикт билан) она кўкрагига талпинишида ҳам лаҳзалик фикрлаш содир бўлиши мумкин.

Теварак-атрофни ҳис қилиш, идрок қилиш тажрибаси ривожлана борган сари инстикт ҳаракат ўрнини тақлид эгаллаб, ҳийла мураккаб фикрий мушоҳада қилиш кўпаяди. Буни руҳшуносликда одам функционал фаолиятидаги уч ҳолат (ихтиёрсиз, ихтиёрий ва ихтиёрийдан кейинги)нинг бир-бири билан ўрин алмашинуви, деб аталади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам бу жараёнга четдан мақсадли аралашув фойдадан холи бўлмайди. Чунончи, гўдак кўкрак сути ишлаётган она сийнасига талпинар экан, унинг ҳаракатини кўпроқ давом этиши, яъни она сутини ҳам меҳнат ила топишга, демакки, фикрлашга ундаш мақсадга мувофиқ.

Бола қанча ёш бўлса, унга шунчалик эркинлик, қулайлик зарур. Бундан фақат ихтиёрсиз (стихияли) ҳаракат устувор бўлади, деган маъно чиқмаслиги лозим. Боладаги андак қизиқиш ва майлни ҳам рағбатлантиришни унутмаслик керак. Бу жисмоний, ақлий, фикрий ривожланишга ижобий таъсир этади.

Боланинг ҳар томонлама уйғун ривожланишида, айниқса эркин фикрлашга одатланишида оила муҳити, болага эътибор беқиёс аҳамият касб этади. Кузатишларимдан бирида уч авлод (бобо, ўғил, невара) ҳамжиҳат яшаётган мўъжазгина бир оиладаги болага бўлган муносабат диққатимни ўзига тортди.

(Давоми 4-бетда)

JUMLADA JAHON

- **Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 1999 йил 19 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.**
- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Фарғона вилояти диний вакиллари мактуб йўллади.**
- **Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг якунловчи мажлиси бўлиб ўтди.**
- **Испанияга қарашли Азор архипелагига кирувчи Сан Мигел оролида икки француз альпинисти қояга чиқаётганда чуқур жарликка қулаб тушиб ҳалок бўлди.**
- **Сьерра-Леонедаги қўзғолончилар томонидан гаровда ушлаб турилганлардан 20 нафари – БМТ миссияси аъзолари, Ғарбий Африка тинчликпарвар қўшинларининг беш нафар аскари, икки журналист ҳамда олтита маҳаллий ҳайдовчи озод этилди.**
- **Колумбия аҳоли ўртасида қотиллик содир этилиши жиҳатидан Лотин Америкаси давлатлари ўртасида пешқадам, ўтган йилнинг ўзида у ерда 23133 та қотиллик юз берган.**
- **Мексика қаҳва экспорти бўйича жаҳонда Бразилия, Колумбия, Индонезиядан сўнг тўртинчи ўринда туради, унинг бу борадаги ҳиссаси 4,2 фоизни ташкил этади.**

ТАЪЛИМНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

Янги ўқув йили яқинлашмоқда. Қолаверса, «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилинганига ҳам икки йил бўлиб қолди. Хўш, ўтган давр мобайнида қандай ишлар амалга оширилди-ю, қандай муаммолар мавжуд? Янги ўқув йилидаги вазифалар нималардан иборат? Шу каби саволлар билан халқ таълими вазири Жўра Йўлдошевга мурожаат қилдик.

— Ҳурматли Жўра Ғаниевич, яқинда «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонунларнинг қабул қилинганига икки йил тўлади. Ўтган давр мобайнида қонунларнинг ижросини таъминлаш борасида қандай ишлар амалга оширилди?

— Ўтган икки йил жараёнида юқорида таъкидланган қонунларни ва уларни ҳаётга татбиқ этиш учун чиқарилган фармон ва қарорларнинг эълон этилиши тарих учун унутилмас воқеа бўлди, десам муболаға бўлмайди. Негаки, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ишлаб чиқилиши такрорланмас ҳодиса бўлиб, унинг жамият, давлат тараққиётига хизмати буюкдир.

Ўтган давр мобайнида халқ таълими соҳасида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, фармон ва қарорлар асосида «Умумий ўрта таълим муассасасининг намунавий уставини ишлаб чиқилди. Бу устав асосида ҳар бир мактаб маҳаллий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда ўз уставини ишлаб чиқди ва шу асосда фаолият кўрсата бошлади. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш, педагогик-психологик ташхис марказлари Низоми» тасдиқланиб, амалиётда қўлланилмоқда. Таълимимиз тарихида биринчи маротаба давлат таълим стандартлари лойиҳалари ишлаб чиқилди. Ҳукумат қарорига асосан, улар 1998 - 1999 ўқув йилида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тажриба-синовдан ўтказилиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди. «Ўқувчилар билимини баҳолашнинг кўп баллик рейтинг тизими ҳақидаги Низом» ишлаб чиқилиб, тажриба-синовдан ўтказилмоқда. Ислоҳотларнинг амалга оширилиши нечоғлиқ самара бераётганлигини таҳлил қилиш мақсадида мониторинг тизими жорий қилинди. Бу тизимнинг бизга ютуқ ва камчиликларимизни кўрсатиб беришда аҳамияти катта бўлмоқда.

— Кечирасиз, сўзингизни бўламан. Юқорида сиз давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг мамлакатимизда илк бор ишлаб чиқилиб, тажрибадан ўтказилганлигини таъкидладингиз. Тажрибалар кутилган натижаларни бердими?

Янги 1999 - 2000 ўқув йилида ўқувчиларни, таълим ходимларини қандай янгиликлар кутмоқда?

— Таълим мазмуни билан боғлиқ ҳолда олиб қарайдиган бўлсак, 5 - синфлар учун «Адабиёт», «Немис тили», «Математика», «Рус тили», «Ватан тарихидан ҳикоялар», «Ўзбекистон тарихи», «Рус тили», «Материклар ва океанлар географияси», 7 - синфлар учун «Зоология», 7, 9, 11 - синфлар учун «Ўзбекистон тарихи» каби янги оригинал дарсликлар яратилди.

Янги ўқув йилидан бошлаб, биринчи маротаба умумтаълим мактабларимизнинг 1-4-синфларига «Ўзбекистон ифтихори», 5-6-синфларида «Ватан туйғуси», 7-9-синфларида эса «Маънавият асослари» ўқув предметларининг ўқитилиши жорий этилмоқда. Мазкур предметларни ўқитиш жараёнида она-Ватан туйғусини англаш, мамлакат ҳаётидаги буюк саналарни билиш, давлат тушунчасини, давлатнинг рамзий белгиларини, миллий урф-одатларини билиш каби кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга, қисқаси ўқувчиларимизни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилади.

Умумтаълим мактабларининг 6-синф ўқувчилари, 1 - 5-синф ўқувчилари каби янги, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ўқишни бошлайдилар.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Маълумки, жамиятимиз олдида ҳозир ўта муҳим вазифа - ўз халқи ва ватанимизнинг келажаги учун шахсий масъулиятни ҳис этадиган ёшларни тарбиялаш турибди. Буни амалга ошириш учун эса таълим мазмунини янгилаш, уни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш зарур. Ўқувчиларнинг билими, кўникма ва малакаларининг минимал даражасига, умумтаълим тайёргарлигига қўйиладиган талабларни белгилаб берадиган давлат таълим стандартлари ҳамда улар асосида яратилган ўқув дастурларининг янги авлоди айнан шу мақсадларга хизмат қилади.

Мамлакатимиз ҳукуматининг 1998 йил 5 январдаги 5-сон «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги ҳамда 1998 йил 13 майдаги 203-сон «Умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари асосида ишлаб чиқилган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари 1998 - 1999 ўқув йилида 400 га яқин мактабларда тажриба-синовдан ўтказилди.

(Давоми 4-бетда)

Istiqlol farzandlari

АҚЛ ЁШДА ЭМАС...

буни уч ярим ёшида 1-синфга борган Абдулбосир исботлади

Инсоният ўзининг бугунги тараққиётида ҳар қандай мўъжизага табиий кўз билан қарайдиган даражага етди. Одатда биз ўз измимиздаги техника ва илм-фаннинг юксак такомилига эришуви учун қатъият билан изчил ҳаракат қиламиз. Бироқ табиатан ўзига ато этилган иқтидор ва салоҳиятни инсон баъзан тўлиқ ишга сола билмайди. Ваҳоланки, инсон ўз тафаккури ила ҳар қандай мўъжизани яратишга қодир.

Пойтахтимизнинг Қўйлиқ даҳасида истиқомат қилувчи Муҳамедовлар оиласида уч фарзанд вояга етаяпти. Уларнинг кенжаси Абдулбосир Юнусов бу йил 7 ёшга тўлади. У ўзбек тилини, лотин ва араб имлосини яхши ўзлаштирган. Абдулбосир уч ёшлигида 277-мактабнинг 1-синфига ўқишга қабул қилинганда ўқиш ва ёзишни яхши билиши, ҳисоб амалларини ўрганганлиги билан ўқитувчиларни лол қолдирган эди. Бироқ табиатан камгап ва тортинчоқ бўлгани учунми, ё илк бор жамоатга қўшилгани боисми дарсларда ортиқча сўзламай, кўпроқ жим ўтиргани сабабли, унинг мактабда ўқишига эрта экан, деган хулосага келишди. Болани мактабдан қайтариб олишди. Бироқ иқтидорли болаларни излаб юрадиган 216-мактабнинг куйинчак мураббийлари у ҳақида эшитиб, дарҳол ўзларига таклиф этишди. 3 ярим ёшли Абдулбосир тил, ҳисоб, ёзув амаллари бўйича махсус имтиҳондан ўтгач, гимназияда ўқий бошлади. Эҳтимол, ишонмассиз, аммо 7 ёшли Абдулбосир бу йил 216-мактабнинг 4-«а» синфини муваффақиятли якунлади.

Дарвоқе, Муҳамедовлар оиласида иқтидорли фарзанд биргина Абдулбосир эмас, унинг опаси Рисолат ҳозир 11 ёшда, куни кеча у 7-синфни аъло баҳолар билан тугатди. Рисолат шу гимназияда ўзидан 3 ёш катта опаси Адолат билан бир синфда ўқийди. Қандай қилиб дерсиз? Оталари Абдусаттор аканинг бизга ҳикоя қилишларича, 5 ёшида ўқиш-ёзишни, қўшув ва айирув амалларини пухта билган Рисолат опаси билан бирга ўқишга бориш истагини онасига айтиб, зарур ҳужжатларни тайёрлаб беришни сўрайди. Мактабда Рисолат билан суҳбатлашган ўқитувчилар қизалоқнинг иқтидорини кўриб ҳайратда қоладилар. 1-синфда 2 ой ўқигандан сўнг барча фанларни тўлиқ билганлиги сабабли Рисолатни 2-синфга ўтказишни лозим топадилар. Тўнғич фарзанд Адолат эса ўз синфдошларидан 1 ёш кичик.

Дарвоқе, бу уч фарзанд ичида қай бирлари билим жиҳатидан кучлироқ экан-а? Маълум бўлишича, улар ўқиётган гимназия тарих фанига ихтисослашгани боис у ерда ахборот-таҳлил дарси ўтилади. Буни қарангки, жаҳон ахборот таҳлилига оид бу дарсни кичкина Абдулбосир иккала опасидан ҳам яхшироқ ўзлаштирар экан. Барча ахборот дастурларини муттасил кузатиб бораётган қаҳрамонимиз ўзининг ўнлаб саволларига жавоб олмагунича тинчимас, шу боис ҳам ахборот дарсини пухта тайёрлар экан. Укаларига ҳарф танитган опалар эса супур-сидирга ўннаб, телевизор кўролмай қолган кунлари ундан ёрдам сўрашаркан. Аслида бу оилада болалар ҳарф ўрганишни ҳали юрмаётган ва гапирмаётган пайтларидан бошлашган экан. Масалан, Абдулбосир ҳали ёшига етмаган вақтида унга магнитли ҳарф шаклларини бериб, бу «А», бу «О» дея таништиришган. Жуда кичкина туғилган Абдулбосир митти кўзларини мўлтиратиб, ҳарфларни териб ўтирган. Икки ёшида эса ҳарфларни яхши ўргангач, уларни уриштирган ва қўшишни билиб олган. Маълумки, ҳар қандай дарахтнинг мўл ҳосили унинг мустаҳкам, бақувват илдизларидан дарак беради. Муҳамедовлар оиласи бошлиғи Абдусаттор ака муҳандис олим, оналари Гулчеҳра опа эса ҳали 30 ёшга етмаган вақтларида илмий ишларини ёқлаган олима, сиёсий иқтисод мутахассиси. Ҳозирда уй бекаси, болаларнинг биринчи ўқитувчиси, тарбиячиси. Икковлари ҳам илмни ниҳоятда қадрлайдилар. Бундай оилада етилаётган фарзандларнинг ҳар бирлари жамиятнинг кишилари етук бўлишларига ишонса бўлади. Ҳозирча, Адолат модельер бўлиш орзусида. Рисолат рассомлик сирларини ўрганмоқчи, у бўш вақтларида табиат манзараларини чизишни ёқтиради. «Табиатдаги ранглар жилоси ва уларнинг уйғунлиги мени ўзига мафтун қилади» — дейди Рисолат. Кичкина қаҳрамонимизга келсак, 3 ёшда эканида ундан ким бўлишини сўрашганда, у ҳар сафар «адолатли раҳбар бўламан» дея жавоб берган. Ҳозир эса у ойга, бошқа сайёраларга ракета учиришни орзу қилади. Демак, Абдулбосир конструктор бўлмоқчи, бу бежиз эмас. 7 ёшли бу ажойиб юртдошимиз астрономия, астрофизикага оид китобларни ўқишни ёқтираркан. Уларнинг келажакда ким бўлиб етишишлари – бу кейиннинг гапи. Бироқ, ҳавас қилса арзигулик илм эгалари бўлишлари, шубҳасиз.

Илмли, олим кишилар Оллоҳга энг яқин бўладилар, дейишади. Оллоҳ ҳам илмлиларни севади. Шу боис муқаддас китобларда илм-ибодатдан афзал дейилади. Юртимизда илм олиш, ҳунар ўрганиш учун ёшларга барча зарур шароитлар яратилаётган, ғамхўрлик қилинаётган бир пайтда ҳар биримиз имконимиз қадар кўпроқ илм олишга интилишимиз қанчалар тўғри бўларди.

Севара ЖЎРАЕВА,
Тошкент шаҳар
236-мактаб ўқувчиси

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМНИНГ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ

Асосий қоидалар

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўқувчилар умумтаълим тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражани белгилаб беради.

Давлат таълим стандарти таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усулларини, унинг сифатини баҳолаш тартибини белгилайди. Таълим мазмунининг ўзаги ҳисобланган стандарт воситасида мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган турли муассасаларда (давлат ва нодавлат) таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шарти амалга оширилади. Давлат таълим стандарти ўз моҳиятига кўра ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар, низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўзининг тузилиши ва мазмунига кўра давлат, ҳудуд, мактаб манфаатлари ва воситалари мувозанатини акс эттиради ҳамда энг асосийси ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишлари устуворлигидан келиб чиқади.

Давлат таълим стандартини бажариш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунишидан қатъи назар барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш ва жорий этиш асослари

Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда қуйидаги меъёрий ҳужжатлар асос қилиб олинди:

"Таълим тўғрисида", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ фармонлари, фармойишлари ва асарлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида" 1998 йил 5 январдаги 5-сон ҳамда "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида" 1998 йил 13 майдаги 203-сон қарорлари;

ЎзРСТ 1.0 - 92. Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлаштириш тизими;

ЎзРСТ 1.1 - 92. Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлаштириш тизими. Ўзбекистон Республикаси стандартини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби;

ГОСТ 1.5 - 93. Давлатлараро стандартлаш ишларини олиб бориш қоидалари. Стандартларнинг тузилиши, баёни, расмийлаштирилиши ва мазмунига бўлган талаблар;

ЎзРСТ 1.9 - 95. Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлаштириш тизими. Тармоқлар стандартларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш принциплари

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти қуйидаги принципларга таянган ҳолда ишлаб чиқилди:

- давлат таълим стандартининг давлат ва жамият талабларига, шахс эҳтиёжига мослиги;
- ўқув дастурлари мазмунининг жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳамда фан-техника ривожланиши билан боғлиқлиги;
- умумий ўрта таълимнинг бошқа таълим турлари ва босқичлари билан узлуксизлиги ва таълим мазмунининг узвийлиги;
- умумий ўрта таълим мазмунининг инсонпарварлиги;
- таълим мазмунининг республикадаги барча ҳудудларда бирлиги ва яхлитлиги;
- умумий ўрта таълимнинг мазмуни, шакли, воситалари ва усулларини танлашда инновация технологияларга таяниш;
- педагогик тафаккурда қарор топган анъанавий қарашлар билан "Таълим тўғрисида" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қонунларида ифодаланган замонавий талабларнинг узвийлиги;
- илғор демократик хорижий мамлакатларнинг таълим соҳасида меъёрларни белгилаш тажрибаларидан миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш.

Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартининг таянч ўқув режаси

Умумий ўрта таълим мактаблари учун таянч ўқув режаси давлат таълим стандартининг таркибий қисми бўлиб, у таълим соҳаларини меъёрлашга ҳамда мактабнинг молиявий таъминотини белгилашга асос бўладиган давлат ҳужжатидир (1,2-жадваллар). Таянч ўқув режаси ўқув предмети бўйича бериладиган таълим мазмунини ўқувчига етказиш учун ажратилган ўқув соатларининг минимум ҳажмдаги миқдорини ифодалайди. У ҳар бир синфда муайян ўқув предмети бўйича давлат стандартларига мувофиқ бериладиган таълим мазмунини аниқлашга асос бўлади.

I-IV синфлар *1-жадвал*

№	Таълим соҳалари	Ўқув фанлари	СИНФЛАР I	II	III	IV	Ҳафталик умумий соатлар	Жами соатлар
			Давлат ихтиёридаги соатлар					
1.	ФИЛОЛОГИЯ	Ўзбек тили	2	2	2		6	204
2.		Она тили ва ўқиш	8	8	10	10	36	1216
3.	МАТЕМАТИКА	Математика	5	5	5	5	20	675
4.	ТАБИАТ	Табииёт	1	1	1	1	4	135
5.	ИНСОН ВА ЖАМИЯТ	Одобнома	1	1	1	1	4	135
6.		Мусиқа маданияти	1	1	1	1	4	135
7.		Тасвирий санъат	1	1	1	1	4	135
8.		Меҳнат	1	1	1	1	4	135
9.		Жисмоний тарбия	2	2	2	2	8	270
		Ҳафталик умумий соатлар сони (давлат ихтиёридаги соатлар)	20	22	24	24	90	3040
		Мактаб ихтиёридаги соатлар	2	2	2	2	8	270
		Ҳафталик энг кўп дарслар сони	22	24	26	26	98	3310

I-IX синфлар *2-жадвал*

№	Таълим соҳалари	Ўқув фанлари	СИНФЛАР I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	Ҳафталик умумий соат	Жами соатлар
			Давлат ихтиёридаги соатлар										
1	ФИЛОЛОГИЯ	Ўзбек тили		2	2	2	2	2	2	2	2	16	544
2		Она тили ва адабиёт	8	8	10	10	9	7	5	5	5	67	2270
3		Чет тили					3	3	3	3	3	15	510
4	ИЖТИМОИЙ БИЛИМЛАР	Тарих					2	2	3	3	3	13	442
5		Давлат ва ҳуқуқ асослари								1	1	2	68
6		Иқтисодий билим асослари								1	1	2	68
7	МАТЕМАТИКА	Математика	5	5	5	5	5	5	5	5	5	45	1525
8		Информатика								1	2	3	102
9	ТАБИИЙ БИЛИМЛАР	Физика						2	2	2	2	8	272
10		Кимё							2	2	2	6	204
11		Биология					1	2	2	2	2	9	306
12		Табииёт ва география	1	1	1	1	1	2	2	2	2	13	441
13	МАЪНАВИЯТ	Одобнома	1	1	1	1						4	135
14		Ватан туйғуси					1	1				2	68
15		Маънавият асослари							1	1	1	3	102
16	САНЪАТ	Мусиқа маданияти	1	1	1	1	1	1	1			7	237
17		Тасвирий санъат	1	1	1	1	1	1	1			7	237
18	ТЕХНОЛОГИЯ	Чизмачилик								1	1	2	68
19		Меҳнат	1	1	1	1	2	2	2	1	1	12	407
20	СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАШҒУЛОТЛАРИ	Жисмоний тарбия	2	2	2	2	2	2	2	2	2	18	610
		Ҳафталик умумий соатлар сони (давлат ихтиёридаги соатлар)	20	22	24	24	30	32	33	34	35	254	8616
		Мактаб ихтиёридаги соатлар	2	2	2	2	2	2	2	2	2	18	610
		Ҳафталик энг кўп дарслар сони	22	24	26	26	32	24	25	26	27	272	9226
		Амалий меҳнат машғулотлари (кун)					6	6	10	16			

Ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган мажбурий минимал талаблар

Умумий ўрта таълим икки босқичдан иборат бўлиб, бошланғич (1-4-синфлар) ва умумий ўрта таълим (1-9-синф-лар)ни қамраб олади.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти бошланғич ҳамда умумий ўрта таълим ниҳоясида ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг минимал даражасини белгилаб беради.

Ҳар бир синф якунида ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар таълим предметлари бўйича ишлаб чиқилган ўқув дастурларида ўз аксини топган.

1-4-синфлар

1. Она тили ва ўқиш

Бошланғич синфларда ўқувчилар она тили ва ўқиш бўйича қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

а) Ўқиш техникаси бўйича:

Миқдорий кўрсаткич: бир дақиқада 80-90 сўзни ўқий олиш.

Талаблар:
- ҳарфларни тўғри талаффуз этиш;
- сўзларни тўғри ўқиш;
- гап оҳангига риоя қилган ҳолда равон ва образли ўқиш;
- гапдаги тиниш белгиларини талаффузда акс эттириш;
- санаш ва ажратиш оҳангларидан тўғри фойдаланиш;
- сўз урғуларига риоя қилиш;
- оҳангга риоя қилиш;
- илмий атама ва рамзларни тўғри талаффуз этиш.

б) Матн мазмунини ва ўзгалар фикрини англаш малакаси бўйича:

Миқдорий кўрсаткич: 10 дақиқада 4-5 саҳифали матнни ўқиб, қайта сўзлаб бера олиш.

Талаблар:
- оғзаки нутқнинг тўғри, равон, аниқ, тушунарли ва таъсирчан бўлиши;
- монологик нутқнинг равон бўлиши;
- диалогик нутқда таъсирчан, изчил, мантиқий жиҳатнинг аниқ бўлиши.

в) Диктант ёзиш малакаси:

Миқдорий кўрсаткич: 75-80 сўздан иборат диктант ёза олиш.

Талаблар:
- имло хатоларга йўл қўймаслик;
- ижодий матннинг мантиқий жиҳатдан изчиллиги;
- берилган изоҳларнинг аниқлиги;
- луғатларнинг тўғри ва аниқ берилиши.

г) Фикрни ёзма шаклда баён этиш малакаси бўйича:

Миқдорий кўрсаткич: 5-6 гапдан иборат бўлган матнни (фикр эҳтиёжи билан боғлиқ мавзу асосида) яратиш.

Талаблар:
- матндаги гапларнинг мазмунан ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги кўрсатилган мавзу доирасида бирлашиши;
- ҳарф ва тиниш белгиларини тўғри ёзиш;
- ҳуснихатда қаторларни тўғри жойлаштириш;
- сўзлар орасидаги оралиқни тўғри белгилаш;
- тасвирда тилнинг ифода воситаларидан фойдаланиш;
- матнда сўзларни такрорлашдан сақланиш ва синонимларни қўллай олиш;
- матнда хат бошиларнинг яхлитлиги ва фикр изчиллигини таъминлаш;
- уядош сўзлардан фойдалана олиш.

Бошланғич таълим якунида ўқувчилар камида 20 та кичик ҳажмдаги шеърни ёддан айтиб бера олишлари шарт.

2. Ўзбек тили

(Таълим ўзбек тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун)

Таълим ўзбек тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 1-4-синфларида давлат тили таълимидан ўқувчилар қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:
- ўзбек тилидаги 700 та сўзни нутқларида қўллай олиш;
- ёзма ва оғзаки нутқ малакаларига эга бўлиш;
- фикр баён қилиш учун зарур бўлган айрим грамматик воситаларни ўз ўрнида қўллай олиш;
- боғланишли нутқ элементларидан тўғри фойдаланган ҳолда содда матн туза олиш;
- халқ оғзаки ижоди ҳамда болалар адабиёти намуналаридан олинган парчаларни ўқиб тушуна олиш;
- мамлакатимиз мустақиллиги, рамзлари ва байрамлари ҳақида сўзлаб бериш.

3. Математика

Бошланғич синфларда ўқувчилар математикадан қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

а) Сонлар ва ҳисоблашларга оид:
- сонларни ўқиш ва ёзиш, уларни хона қўшилувчиларининг йиғиндиси кўринишидаги ёзувини тушуниш;
- саноқ техникасини эгаллаш (тўғри ва тескари тартибда санаш, жуфтликлар ва ўнликлар билан санаш, сондан олдин ва кейин келувчи сонни айтиш каби);
- натурал сонларни ўзаро таққослаш «>», «<» ва «=» белгиларини тўғри қўллаш;
- сонларни ёзма қўшиш, уч хонали ва тўрт хонали сонларни айириш, бир хонали ва икки хонали сонга кўпайтириш ва бўлиш;
- қўшиш, айириш, кўпайтириш ва бўлишнинг жадвалли ҳоллари натижаларини билиш, мураккаб бўлмаган ҳолларда 100 ичида оғзаки ҳисоблашларни бажара олиш;
- «йиғинди», «айирма», «кўпайтма» ва «бўлинма» атамалари маъносини тушуниш ва сонли ифодаларни ўқишда уларни қўллай олиш;
- 2-3 амалли сонли (шу жумладан, қавсли) ифоданинг қийматини топиш;
- «...та ортиқ», «...та кам», «... марта ортиқ»,»... марта кам» муносабатларининг, «ҳаммаси», «қолди», «тенг» муносабатларининг маъносини тушуниш ва уларга таянган ҳолда содда масалаларни еча олиш;
- миқдорлар (маҳсулот нархи, миқдори ва қиймати, тўғри чизиқли ҳаракатда йўл, тезлик ва вақт) орасидаги боғланишларни қўллаб, амалий мазмундаги масалаларни ечиш;
- «ярми», «учдан бири», «тўртдан бири» атамалари маъносини тушуниш ва уларни қўллаш, касрлар ёрдамида улушларни ёзиш, доира ва бошқа геометрик фигуралар моделида 1/2 , 1/3 ларни кўрсатиш, амалий мазмундаги масалаларни ечишда соннинг улушини ва улушига кўра сонни топа олиш.

б) Геометрик фигураларга оид:
- расмларда кесма, учбурчак, тўртбурчаклар (жумладан, тўғри тўртбурчак ва квадратлар), бешбурчак ва айланани таниш;
- теварак атрофдаги геометрик шаклларни таниш ва топа олиш;
- кесма узунлигини ўлчаш, берилган узунликдаги кесмани ясаш, кесма узунлигини кўз билан чамалаб ўлчай олиш;
- чизғич ва циркулдан фойдаланиб тўғри тўртбурчак, квадрат, учбурчак ва айланалар ясай олиш;
- кўпбурчак периметрини, тўғри тўртбурчак юзини ва квадрат бирликлардан тузилган фигураларнинг юзини ҳисоблай олиш;
- узунлик (мм, см, дм, м, км) ва юза (см, кв, дм, кв, м, кв) ўлчови бирликларини, улар орасидаги асосий нисбатларни билиш, уларни ўз ўрнида қўллай олиш.

4. Табииёт

Бошланғич синфларда ўқувчилар табииёт ўқув фанига оид қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

а) Тасаввур қилиш ва билиш:
- жонли ва жонсиз табиатни, жисм ва моддаларни;
- табиат ҳодисалари: ҳаракат, иссиқлик, товуш, электр, ёруғлик ҳодисаларини;
- Ер, Қуёш, Ой ва юлдузларнинг қиёсий катталикларини ҳамда бир-биридан қанчалик узоқлигини;
- Ернинг ўз ўқи атофида ва Қуёш атрофида айланишини, кеча ва кундуз алмашинишини;
- сувнинг суюқ, қаттиқ ва газ ҳолатларини;
- табиатда сувнинг айланишини;
- сувни тежаш ва асраш зарурлигини;
- Ҳавонинг аҳамияти ва уни муҳофаза қилиш зарурлигини;
- атмосферадаги табиат ҳодисалари (шамол, туман, булут, ёмғир ва қорнинг пайдо бўлиши)ни;
- кундалик турмушда қўлланиладиган электр асбоблари ва улардан фойдаланишни;
- компьютер ва унинг имкониятларини;
- ҳозирги замон фан-техникасининг тараққиётини;
- Ер юзининг асосий шакллари (тоғ, текислик ва океан)ни;
- тупроқ ва тоғ жинсларини, фойдали қазилмаларни;
- уфқнинг асосий томонларини;
- маданий ва ёввойи ўсимликларни;
- дарахт, бута ва ўтларни;
- уй ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвонларни;
- ҳашаротлар, қушлар, сувда яшайдиган ҳайвонлар, сувда ҳам, қуруқликда ҳам яшайдиган ҳайвонлар, йиртқич ҳайвонларни;
- ўсимлик ва ҳайвонларнинг инсон ҳаётидаги ўрнини.
- Ўзбекистон табиатини;
- Ўзбекистон Республикасининг пойтахти, вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасини;
- ўзи яшайдиган қишлоқ (шаҳар) табиатини;
- Ўзбекистондаги йирик қўриқхоналарни.

б) Амалда қўллай олиш:
- термометр ёрдамида сув ва ҳаво ҳароратини ўлчай олиш;
- тарози ёрдамида жисм массасини ўлчай олиш;
- Қуёшга, компасга, маҳаллий белгиларга қараб уфқнинг асосий томонларини топа олиш;
- Дунё харитасидан Ўзбекистон ҳудудини топа олиш;
- Ўзбекистон харитасидан мамлакатимиз пойтахти, ҳар бир вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасини кўрсата олиш;
- кундалик турмушда қўлланиладиган электр асбобларидан ва табиий газдан хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдалана олиш;
- хона ўсимликларини ва уй ҳайвонларини парвариш қила олиш.

5. Инсон ва жамият

Бошланғич синфларда ўқувчилар инсон ва жамият, таълим соҳаси бўйича қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

а) Жисмоний камолотга оид:
- инсон саломатлиги ва жисмоний камолотига оид тушунчаларни билиш;
- чиниқишнинг моҳиятини англаш;
- гимнастика машқларини бажара олиш;
- шахсий гигиена меъёрларини билиш ва уларга амал қилиш;
- жисмоний машқларнинг инсон камолотини таъминлашдаги аҳамиятини англаш;
- жисмоний тарбия машқларини хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда бажара олиш;
- миллий ўйинлар қоидаларини билиш;
- турли спорт ўйинларининг элементларини қўллай олиш;
- жароҳатланишнинг олдини олиш, жароҳат олган тақдирда биринчи ёрдам кўрсата олиш;

б) Мусиқага оид:
- мусиқа бадиий санъат эканлигини билишлари, куйга тавсиф бера олиш;
- халқ мусиқа мероси ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- чолғу асбобларини билиш ва товуш тембрларидан уларни фарқлай олиш;
- мусиқага оид оддий атамаларни билиш;
- нота ёзувларини билиш ва амалда қўллай олиш;
- биргаликда ва якка ҳолда куйлай олиш;
- мусиқанинг ифода воситаларини билиш;
- ижрочилик турларини ижро садоларидан фарқлай олиш;

в) Тасвирий санъатга оид:
- тасвирий санъат ва унга оид айрим ибораларни билиш;
- асосий рангларни фарқлай олиш;
- бадиий материаллар, асбоблар ва жиҳозларни фарқлай олиш;
- расм ишлаш босқичларини билиш;
- нақшлар ва уларнинг хусусиятини билиш;
- бўёқни ўз ўрнида ишлата олиш;
- табиат манзараларини кузатиш ва тасвирлай олиш;
- буюмлар ясаш, уларни безата олиш;
- турли рангларни ҳосил қила олиш;
- бадиий тасвирнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини билиш;

г) Инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжига оид:
- Ватан тушунчасига эга бўлиш;
- давлат тушунчасини, давлатнинг рамзий белгиларини, она-Ватан туйғусини англаш;
- Ўзбекистон аҳолиси ва миллий таркибини билиш;
- мамлакат ҳаётидаги буюк саналарни билиш;
- ахлоқ ва кийиниш меъёрларини билиш;
- уй тутишни билиш;
- меҳмонларга, атрофдагиларга мулозамат кўрсата олиш;
- дастурхон тузатишни билиш;
- ораста лик меъёрларини билиш;
- ўз туғилган жойи ва ўлкаси ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- техник моделлаштиришга оид ишларни бажара олиш;
- уй-рўзғор ишларини бажара олиш;
- содда конструкторлик ишларини бажара олиш;
- дурадгорликка оид содда ва енгил ишларни бажара олиш (ўғил болалар учун);
- оддий бичиш-тикиш ишларини бажара олиш (қиз болалар учун);
- инсон меҳнатини, фаолият турларини англаш;
- ҳуқуқ ва ҳуқуқбузарлик ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- қишлоқ ва шаҳар аҳолиси ҳаётини билиш;
- уй хўжалиги ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- оила ва унинг қандай ташкил топишини билиш;
- оилада фарзанднинг бурчини билиш;
- бозор, сотувчи, харидор каби тушунчаларни билиш;
- инсоннинг пулга бўлган эҳтиёжини англаш;
- пул тўлов, савдо-сотиқ воситаси эканлигини билиш;
- пул бирликларини билиш;
- нарх ва унинг ўзгарувчанлигини билиш.

5-9-синфлар

1. Она тили

Ўқувчилар она тилидан қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

а) грамматикага оид ўзлаштириладиган меъёрлар:
- фонетика, лексикология, сўзнинг таркиби, сўз ясалиши, морфология, синтаксис, ёзув ва имло, тиниш белгилари, боғланишли нутқ, нутқ услублари, стилистикага оид тушунчалар, уларнинг муҳим белгиларини билиб олишлари, изоҳлай билишлари ва шу тушунчалар билан боғлиқ грамматик атамаларни ўзлаштириш;
- ўзбек адабий тили грамматикасининг меъёр ва имкониятларини билиш;
- нутқ услубларининг чегара ва имкониятларини билиш;
- оғзаки ва ёзма нутқда сўз ўзгартирувчи ва шакл ҳосил қилувчи қўшимчалар, грамматик маъно ифодаловчи воситаларни танлай олиш;
- синонимик ва услубий имкониятлардан тўғри фойдалана олиш;
- гапда сўз тартибига риоя қилиш, гап бўлакларини турли туркумга оид сўзлар, отлашган сўзлар, сўз бириктмалари ва иборалар воситасида ифодалай олиш;
- гап турларидан, ундалмали, кириш сўзли ва бириктмали, уюшиқ бўлакли, ажратилган изоҳ бўлакли гаплардан, қўшма гап турларидан, кўчирма ва ўзлаштирма гаплардан тўғри ва ўринли фойдалана олиш;

б) амалий кўникма ва малакалар:
- ўқиш техникаси бўйича: *миқдорий кўрсаткич* - 1 минутда 120-130 сўз. *Сифат кўрсаткичлар* - мураккаб тип-даги илмий атамаларни, рамзларни, мумтоз адабиёт намуналарини, сўз ва ибораларни тўғри талаффуз қила олиш, маъносини англаган ҳолда тўғри ва равон ўқиш.

-ўзгалар фикри ва матн мазмунини англаш малакаси бўйича: *Миқдорий кўрсаткич* - 10 дақиқада 5-6 саҳифа. *Сифат кўрсаткичлар*- оғзаки нутқнинг аниқлиги, матн мазмунининг мос бўлиши, тўғри, равон ва таъсирчан бўлиши.

- фикрни ёзма шаклда баён этиш малакаси бўйича: *Миқдорий кўрсаткич* - 12-14 гапдан иборат бўлган тугал матн яратиш. *Сифат кўрсаткичлар* - матндаги гапларнинг мазмунан ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги кўрсатилган мавзу доирасида бирлашиши, тиниш белгиларини тўғри қўйиш, матндаги хат бошиларнинг яхлитлиги ва фикр изчиллигини таъминлаш, ўрганилган ифода воситаларини ўринли қўллай олиш ва уларнинг услубий имкониятларидан фойдалана олиш, иш қоғозларини ёза олиш.

2. Адабиёт

Ўқувчилар адабий таълимга оид қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:
- матнни тўғри, тез ва ифодали ўқий олиш;
- 4-5 та бадиий матнни ёддан айтиб бера олиш;
- Президент асарларини билиш, уларда илгари сурилган ғоялар асосида мушоҳада юрита олиш;
- мамлакатимиз мустақиллиги ва байрамлари ҳақидаги, она-Ватанга муҳаббат уйғотувчи адабий асарлар мазмунини англаган ҳолда сўзлаб бериш;
- мумтоз адабиёт жанрлари билан замонавий адабиёт жанрларини фарқлай олиш;
- берилган ҳар қандай мавзуда оғзаки ва ёзма равишда мустақил фикр юрита олиш;

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМНИНГ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ

- бадиий тасвир воситалари ҳақида матнга таянилган ҳолда мустақил фикр юритиш ва таҳлил қила олиш;
- ўқиган асаридан олган таассуротларини ёрқин ифодалаб бера олиш;
- ўзга инсоннинг туйғулари ва ҳиссий кечинмалар хусусида фикр юрита олиш;
- турли мавзуларда иншо ёза билиш;
- ўрганилган адиблар табиатига хос бўлган хислатларни баҳолай билиш;
- адабий қаҳрамонларнинг ҳатти-ҳаракатларига муносабат билдира олиш ва уни асослай билиш;
- юксак дидли ва ақлан баркамол адабий қаҳрамонларнинг хислатларини очиб бера олиш;
- мусиқа ёки ранг-тасвир асари замиридаги бадиий жозибани ҳис қилиш ва уни сўз билан ифодалаб бериш;
- ўрганилган асарларда тасвирланган бадиий тимсоллар хусусиятига хос бўлган хислатларни англаб, уларга муносабат билдира олиш;
- ўрганилган асарлардаги адабий қаҳрамонлар хусусиятига хос бўлган фазилатларга мустақил фикр билдира олиш;
- ўрганилган бадиий асарлар тимсолларининг табиатидаги миллий хусусиятларни англай билиш;
- адабиёт назариясига доир билимларни китобхонлик амалиётида мустақил қўллай олиш;
- адабий-тарихий даврларга ва адиблар ижодига тўғри баҳо бера олиш.

3. Ўзбек тили

(Таълим ўзбек тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун)

Таълим ўзбек тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда давлат тили таълимидан ўқувчилар қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

- морфология ва синтаксисга доир асосий тушунчаларни ҳамда шу тушунчалар билан боғлиқ равишда грамматик атамаларни билиш;
- сўзларнинг ёзилиши, грамматик воситаларнинг сўзларга қўшилиши билан боғлиқ имло қоидаларини билиш ва бу қоидаларга амал қилиш;
- мустақил гапларни, мураккаб синтактик бутунликларни ўзаро тўғри боғлай олиш;
- ўзбек мумтоз адабиётининг ҳамда ХХ аср замонавий ўзбек адабиёти намояндаларини билиш, уларнинг асарларидан намуналар айта олиш;
- бадиий асар тимсолларига оғзаки ва ёзма тавсиф бера олиш;
- ўрганилган мавзу доирасида ва расмларга қараб мустақил фикрни 15-20 гап билан изчил ва боғланишли монологик нутқ шаклида баён қила олиш;
- айрим матнлар мазмунини ўз сўзи билан (асосий мазмунни қамраб олган ҳолда) қайта ҳикоя қила олиш;
- матнни (бадиий асар, ҳикоя, илмий мақола, хабар) тўғри, равон, тушуниб, бир дақиқада 130 сўз тезлигида ўқий олиш;
- бадиий асар (ёки ундан олинган парча)ни, шеърни ифодали ўқий олиш;
- ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналаридан (мақол, топишмоқ, қўшиқ, матал) айта олиш;
- 80-90 сўздан иборат матн асосида диктант ёзиш;
- 120-130 сўзли матн асосида баён ёза билиш;
- 6-8 гапдан иборат бўлган матн туза олиш;
- иш қоғозлари(ариза, таржимаи ҳол, хат, эълон, мақола, тушунтириш хати, ишонч қоғози)ни ёза олиш.

4. Рус тили

(Таълим рус тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун)

По окончании девятого класса учащиеся должны:

а) По русскому языку:

- овладеть базовыми фонетико-орфоэпическими, лексико-фразеологическими, грамматическими, орфографическими, коммуникативно-речевыми, этнокультурроведческими знаниями, навыками и умениями;
- активно усвоить 2500 лексических единиц и определенный потенциальный словарь; овладеть коммуникативно-речевыми действиями в соответствии с основными сферами общения (обиходно-бытовая, учебная, общественно-политическая, социально-культурная) и типовыми ситуациями;
- освоить средства выражения обобщенных типов семантики высказывания, а также формулы речевого этикета.

б) По литературе:

- знать основные вехи жизненного и творческого пути выдающихся русских писателей;
- самостоятельно формулировать основную тему прочитанных произведений; уметь давать развернутые ответы с элементами описания, рассуждения, оценки событий и героев произведений с позиций нравствено-эстетических ценностей;
- уметь выявлять средства художественной изобразительности с целью углубления восприятия идейно-художественного содержания и активизиции их в собственной речи.

В целом образовательная область «Русский язык» должна заложить коммуникативно-языковую базу для дальнейшего межличностного общения, сформировать и углубить положительное отношение к русскому языку, выработать потребность пользоваться русским языком как средством общения.

5. Чет тиллар

(Инглиз, немис ва француз тиллари)

Ўқувчи чет тиллардан бирини ўрганиш жараёнида қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши шарт:

- чет тилдаги матнларни (10 дақиқада 350 та сўз) ифодали ўқий олиш;
- содда мазмундаги матнларни тушуниш;
- матнларда ифодаланган турли даражадаги ахборотларни тушуниш;
- 100-120 сўздан иборат бўлган ўртача мураккабликдаги матнни чет тилдан она тилига ва она тилидан хорижий тилга таржима қила олиш;
- ўқиш китобига таянган ҳолда оғзаки нутқ кўникмаларига эга бўлиш;
- коммуникатив мақсадларга йўналтирилган оғзаки мулоқот кўникмаларига эга бўлиш;
- диалогик ва монологик нутқ кўникмаларига эга бўлиш;
- суҳбатдошининг нутқини тушуна олиш;
- ёзиб олинган нутқни тушуна олиш;
- матндан диалог кўчира олиш;
- ўқилган ёки эшитилган матнга таянган ҳолда режа тузиш ёки тезис ёза олиш;
- табрикнома ва мактуб ёза олиш.

6. Тарих

Ўқувчилар тарих таълими жараёнида қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

- жаҳон ва Ўзбекистон тарихининг даврлари, ижтимоий тузумлар, уларнинг аталиши ва уларга хос хусусиятлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- аср ва йил ҳисобини билиш, тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг давомийлигини, уларнинг қайси даврга мансублигини айта олиш, эрамиздан олдинги асрларни ҳисоблай олиш;
- инсоният доимо олдинга интилганлиги, бу эса тарихий тараққиётнинг асоси бўлганлигини англаш;
- жамиятда ва дунёда кечаётган жараёнларга ўзининг мустақил муносабатини билдира олиш;
- тарихий манбаларни мустақил ўрганиш асосида хулосалар чиқара олиш;
- тарихий жараёнлар ҳақида маълумотга эга бўлиш ва қиёсий таҳлил қила олиш;
- бобомиз Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни ҳақида билимга эга бўлиш;
- Ўрта Осиёдаги хонликларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- Ўрта Осиё хонликларидаги феодал муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- Россия босқини, унинг бешафқат генераллари ва уларга қарши курашган ватанпарвар саркардалар, қаҳрамонлар, миллий озодлик ҳаракатлари тўғрисида тасаввурга эга бўлиш;
- Шўро ҳукумати ва большевикларнинг халқимизга қилган адолатсиз қатағонлик сиёсати, мулкий ва маънавий ҳуқуқлари поймол этилгани ҳақидаги маълумотларни билиш;
- Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки, халқимизнинг фронт ва меҳнат соҳасидаги жасорати ҳақида тушунчаларга эга бўлиш;
- миллий мустақиллик ва унинг дастлабки ютуқлари, мамлакатимиз байроғи, герби, мадҳияси, давлат рамзлари, Президенти, ташқи алоқаларига доир тушунчаларга эга бўлиш;
- жаҳон ва Ўзбекистон тарихининг янги даври ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- Президент асарларини билиш, уларда илгари сурилган ғоялар асосида мушоҳада юрита олиш;
- Ўзбекистоннинг мустақил, суверен, демократик давлат сифатидаги тарихий ривожланиши ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- мустақил Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиёти шароитида ривожланишининг умумий хусусияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш;
- дунё халқлари олдида турган жаҳоншумул муаммолар, уларни бартараф этиш вазифалари, Ўзбекистон Республикасининг бу муаммоларни ҳал этиш йўлида амалга ошираётган ишлари ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- харита устида ишлай олиш, тарихий воқеалар юзасидан мустақил мулоҳаза юрита олиш, баён қила олиш, мунозара ва баҳсларда фаол иштирок эта олиш;
- дарслик, қўлланма, харита, тарихий ҳужжат матни устида ҳамда кўргазмали қуроллар билан мустақил ишлай олиш;
- тарих таълими жараёнида эгаллаган билимларини эркин баён эта олиш, ўз синфдошларининг фикрларига муносабат билдира олиш.
- ўз мактаби, кўчаси, тумани, қишлоғи, шаҳрининг ўтмиши, бугуни тўғрисида маълумотга эга бўлиш.

7. Давлат ва ҳуқуқ асослари

Ўқувчилар давлат ва ҳуқуқ асосларига оид қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

- ҳуқуқий таълимга оид асосий тушунча, қонуният ва ғояларни билиш;
- давлат тузилиши, бошқарув шакллари, бошқарувни амалга оширишнинг демократик ва антидемократик усулларини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтира олиш;
- давлат органларининг тузилиш асосларини тасвирлаб бериш;
- ахлоқ ва ҳуқуқнинг ўзаро боғлиқлиги ва тафовутларни билиш;
- ҳуқуқ меъёрларини билиш ҳамда ҳаётда ўзларининг ҳатти-ҳаракатини ана шу меъёрларга монанд бошқара олиш малакасига эга бўлиш;
- ҳуқуқ тизимларини, унинг соҳаларга бўлинишини, бу соҳаларнинг ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишдаги аҳамиятини тушуниш;
- ҳуқуқни қўллашнинг ташкилий ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи функцияларини ҳамда ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш;
- ҳуқуқий давлатнинг белгиларини, уни шакллантириш йўллари ва муаммоларини, Ўзбекистонда инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш асосларини тушунтира олиш;
- Президент асарларини билиш, уларда илгари сурилган ғоялар асосида мушоҳада юрита олиш;
- ўзбек миллий давлатчилиги ва унинг тараққиёти ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши, унинг тузилиши ва мазмунини тавсифлай олиш;
- инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари тизимларини ва улардан фойдаланиш кафолатларини билиш;
- Конституция ва қонунларга риоя қилиш, уларни ҳурмат қилиш малакаларига эга бўлиш;
- Ўзбекистон Республикасининг миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини ва уларнинг ҳуқуқий асосларини билиш;
- Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимият тизими: қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятига бўлинишини, уларнинг тузилиши ва вазифаларини тушунтира олиш;
- муҳофаза қилиш, миллий давлат тузилиши масалаларига оид қарорларни рўёбга чиқариш борасида зарур чора-тадбирлар белгиланишини, халқаро муносабатларда Республика номидан иш кўришини билиш;
- иқтисодий, сиёсий, маънавий, маърифий соҳаларга оид қонунларнинг мазмунини билиш ва улардан ҳаётда фойдалана олиш;
- таълим соҳаси ва ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий тамойиллари, ёшларнинг маънавий, маърифий, жисмоний камолоти учун барча ҳуқуқий асослар мавжудлигини билиш, ўзини келажаги буюк давлат бунёдкори сифатида ҳис этиб, мамлакат тараққиётига муносиб улуш қўшишга астойдил интилиш.

8. Иқтисодий билим асослари

Ўқувчилар иқтисодий билим асосларига оид қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

- асосий иқтисодий қонуниятлар, тушунча ва атамаларни билиш, уларнинг моҳиятини тушуниш;
- маркетинг, талаб ва таклиф ҳақида билимга эга бўлиш;
- тадбиркорлик ва рақобат ҳақида фикр юрита олиш;
- меҳнат муносабатлари ва иш ҳақи ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- солиқ тизими ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- мулк ва мулкий муносабатларни билиш;
- пул, нарх, молия, давлат бюджети ва банк фаолияти ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- маркетинг ва менежмент фаолиятини билиш;
- оила хўжалигини юритишнинг умумий қоидаларини, оила бюджетини шакллантиришда фойда, чиқим ва уларнинг манбаларини билиш;
- бозор шароитида (шаҳар ва қишлоқ шароитидаги) оилаларнинг иқтисодий алоқаларини таққослай олиш;
- истеъмол товарлари рекламаси таҳлилини билиш;
- мактаб хўжалигини юритиш механизмини тушунтира олиш;
- тадбиркорлик турларини (ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий) билиш;
- Президент асарларини билиш, уларда илгари сурилган ғоялар асосида мушоҳада юрита олиш;
- Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларини билиш;
- Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки тушунчаларини билиш;
- бозор ва унинг турларини билиш;
- ижтимоий фойдали ва унумли меҳнат кўникмаларига эга бўлиш.

9. Математика

Ўқувчилар математикага оид қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

- натурал, бутун, рационал ва ҳақиқий сонлар ҳақида тушунчага эга бўлиш ва уларга оид ҳисоблашларни бажара олиш;
- сонларнинг ўрта арифметиги, нисбат, пропорция ва фоизларни билиш, уларни қўллай олиш;
- сонли ва ҳарфий ифодалар ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- буюк алломаларимиз ва уларнинг математика ривожига қўшган ҳиссалари ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- формулалар ёрдамида ҳисоблашларни бажара олиш;
- тенглама, унинг илдизи тушунчаларининг маъносини билиш;
- чизиқли ва квадрат тенгламалар, икки номаълумли тенгламалар системасини еча олиш;
- сон ўқида ва координата текислигида нуқтани ифодалай олиш;
- икки нуқта орасидаги масофани топа олиш;
- график ва диаграммалар чиза олиш;
- алгебраик ифодаларнинг сон қийматини топа олиш;
- кўпҳадлар устида арифметик амалларни бажара олиш ва уларни стандарт кўринишга келтира олиш;
- қисқа кўпайтириш айниятларини билиш ва қўллай олиш;
- даража қатнашган каср ва ифодалар устида амалларни бажара олиш;
- бир номаълумли тенгсизликларни еча олиш;
- арифметик ва геометрик прогрессияларни билиш, уларнинг исталган ҳадини ва ҳадлар йиғиндисини ҳисоблай олиш;
- асосий тригонометрик функцияларнинг графиги ва хоссаларини, асосий тригонометрик айниятларни билиш ва қўллай олиш;
- алгебраик формулалар ва ҳисоблашларга оид масалаларни еча олиш;
- асосий геометрик фигуралар ва содда геометрик жисмларга оид тушунча ва атамаларни билиш;
- чизмачилик асбоблари ёрдамида геометрик фигураларни текисликда тасвирлай олиш;
- ясси геометрик фигуралар ва геометрик муносабатлар ҳақидаги тартибга солинган маълумотга эга бўлиш;
- геометрик масалаларни еча олиш;
- геометрия курсидан олинган билимларни ижтимоий ҳаётда қўллай олиш.

10. Информатика

Ўқувчилар информатикага оид қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

- информатика ва ҳисоблаш техникаси асосларига оид тушунчаларни билиш;
- замонавий компьютер техникаси, асосий қурилмалари ва уларнинг иш принципларини билиш;
- ахборотни тасвирлаш, кодлаш, ўлчаш ва қайта ишлаш усулларини билиш;
- алгоритмлашнинг асосий қўникмаларига эга бўлиш;
- компьютерда масалалар ечиш босқичлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- замонавий ахборот технологиясининг жамиятимиздаги истиқболи ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- дастурлаш тилларининг хиллари, тузилиши ва қўлланилишини билиш;
- компьютер саводхонлигини минимал даражада намойиш қила олиш;
- инсон фаолиятининг турли соҳаларига кирган замонавий ахборот технологиясини намойиш қила олиш.

11. Физика

Ўқувчилар физика асосларига оид қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

- физик ҳодисалар ҳақида тасаввурга эга бўлиш ва уларни таҳлил қила олиш;
- механика, молекуляр физика ва термодинамика асослари, электр, ёруғлик, атом ва ядро физикаси асосларига оид асосий тушунчалар, атамалар, катталиклар ва уларнинг бирликлари, қонуниятлар, формулаларни билиш ва уларни қўллай олиш;
- физик ҳодисаларни кузатишни режалаштириш ва ўтказиш, кузатиш натижаларини умумлаштириш ишларини бажара олиш;
- ўлчов асбоблари (секундомер, штангенциркуль, тарози, мензурка, динамометр, манометр, барометр, термометр, электрометр, амперметр, вольтметр, омметр)дан фойдалана билиш, асбобларнинг ўлчаш хатолигини баҳолай олиш;
- мустақил равишда тажриба ўтказа олиш, тажриба натижаларини схема, жадвал, график кўринишда тасвирлай олиш, уларни таҳлил қила олиш ва хулосалар чиқариш;
- буюк алломаларимиз ва уларнинг физика ривожига қўшган ҳиссалари ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва қўшимча адабиётлардан фойдаланиб, мустақил билим олиш ва уларни амалиётда қўллай билиш;
- масалалар ечиш бўйича кўникма ва малакага эга бўлиш;
- физик асбоблар билан ишлаш жараёнида техник хавфсизлик қоидаларига риоя қила олиш;
- физикага оид олган билимларини амалиётда қўллай олиш.

12. Кимё

Ўқувчилар кимё асосларига оид қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

- модда, унинг таркиби, тузилиши, хоссалари, таркибини билиш;
- кимёвий элемент ва уларнинг бирикмадаги валентлигини ҳамда кимёвий формулани туза билиш;
- кимёвий қонунлар ва назарияларни, атом-молекуляр таълимотни билиш;
- анорганик бирикмаларнинг энг муҳим бирикмалари таркиби, хоссалари ва қўлланилишини билиш;
- кимёвий элементлар даврий қонуни ва даврий системасини билиш;
- кимёвий боғланиш турларини билиш;
- кимёвий реакциядаги асосий қонуниятларни англаш;
- кичик даврда жойлашган кимёвий элементлар тавсифини билиш;
- кислота, ишқор, тузларнинг диссоциацияланишини ёза олиш;
- ион алмашиниш тенгламаларини ёза олиш;
- металл ва металлмасларнинг айрим вакиллари хоссалари ва қўлланишини билиш;
- буюк алломаларимиз ва уларнинг кимё ривожига қўшган ҳиссалари ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- Ўзбекистонда олинадиган кимёвий хом ашёлар ва уларнинг моҳиятини англаш;
- органик моддаларнинг тузилиш назариясини тушунтира олиш;
- органик бирикмаларнинг хоссалари ва қўлланилишини тушунтира олиш;
- анорганик ва органик кимёга оид масалалар еча олиш;
- полимерларнинг хоссалари ва қўлланилишини тушунтира олиш;
- кимёвий реактивлар ва жиҳозлардан фойдалана олиш;
- кимёвий ишлаб чиқариш жараёни, кимёвий моддалардан фойдаланишни экологик нуқтаи назардан тушунтира олиш.

13. Биология

Ўқувчилар биология асосларига оид қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

- ботаника, зоология, одам ва унинг саломатлиги, умумий биология курслари мазмунида бериладиган асосий биологик қонунлар ва назарияларни билиш;
- тирик организмлар турли-туманлигини билиш;
- ўсимликнинг илдизи, пояси, барги, вегетатив кўпайиши, гули, мева ва уруғлари, ўсимлик органларининг атроф муҳит билан боғлиқлиги, ўсимликлар системаси, ўсимликларнинг асосий бўлимлари, ўсимликлар оламининг ривожланиши, ўсимликлар қоплами, манзарали ўсимликлар ҳақида билимга эга бўлиш;
- тур, уруғ, оила, туркум, синф, тип тўғрисидаги асосий таксономик тушунчаларни билиш;
- ҳайвонларнинг ҳужайравий тузилишини билиш;
- ҳайвонларнинг асосий органлари ва уларнинг вазифаларини тушунтира олиш;
- асосий систематик гуруҳларни билиш;
- организмларнинг ҳаёт ва фаолият жараёнлари (озиқланиши, нафас олиши, модда ва энергия алмашинуви, ўсиши, ривожланиши, кўпайиши)ни билиш ва идрок этиш;
- тирик организмларнинг умумий белгилари, тузилишидаги ўзига хосликларни тушунтира олиш;
- организмлар, турлар, табиий системаларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишнинг зарурлигини билиш ва унга амал қила олиш;
- одам органлари ва уларнинг вазифаларини тушунтира олиш;
- одамнинг пайдо бўлиши, кўпайиши ва ривожланишини тавсифлай олиш;
- цитология ва генетика асослари бўйича умумий маълумотга эга бўлиш;
- Ўзбекистонда биология фанининг ривожланиш тарихини билиш;
- биологияга оид билимлардан қишлоқ хўжалиги ишларида фойдалана олиш.

14. География

Ўқувчилар географияга оид қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

- Ер шарининг шакли ва катталиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш, ўлчамини билиш;
- план ола билиш;
- глобус, харита, атлас ва ёзувсиз харита билан мустақил ишлай олиш;
- Ер шари қобиқлари табиатини билиш, ҳар бир қобиқ табиатини тушунтира олиш;
- Ер юзининг асосий шаклларини билиш ва уларни харитадан кўрсата олиш;
- табиат комплекси ва табиат зоналарини тавсифлай олиш;
- дунё аҳолиси ва сиёсий харитасини билиш;
- ҳар бир қитъалар ва океанлар табиатини билиш;
- умумий географик қонуниятларни билиш;
- Туркистон табиий-географик ўлкаси ва Ўзбекистон ҳудудининг табиатини билиш;
- иқтисодий географик тушунча, қонуният ва жараёнларни билиш;
- географик ўрин, табиий шароит ва табиий ресурслар иқтисодиётига ва умуман мамлакат ривожидаги аҳамиятини янги иқтисодий муносабатлар қарор топаётган шароитда меҳнатнинг географик тақсимланишини, социал муаммолар ечимини тушунтира олиш;
- мамлакат аҳолиси ва меҳнат ресурслари ўзига хослигининг сабаб ва оқибатларини билиш;
- иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқлараро мажмуаларини билиш;
- иқтисодиётнинг ҳудудий ташкил этилиши ва иқтисодий районлаштириш тамойилларини билиш;
- Ўзбекистоннинг ҳар бир иқтисодий географик районидаги ихтисослик тармоқларининг жойлашиш ва ривожланишига хос хусусиятларни тушунтира олиш;
- ўзи яшайдиган қишлоқ(шаҳар) географиясини билиш;
- жаҳоннинг умумий иқтисодий географик тавсифини билиш;
- жаҳоншумул табиий бойликларни ҳамда экологик муаммоларни билиш;
- жаҳон хўжалиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- мамлакатларнинг тараққиётига кўра гуруҳлаш мезонларини билиш;
- жаҳон давлатларининг минтақавий тавсифини билиш;
- инсониятнинг жаҳоншумул (глобал) муаммоларини идрок эта олишлари керак.

15. Мусиқа маданияти

Ўқувчилар мусиқа маданиятига оид қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

- ҳар бир маҳаллий услубда ўзига хос ижрочилик услублари ва чолғу асбобларини билиш;
- Фарғона-Тошкент, Самарқанд-Бухоро, Сурхондарё-Қашқадарё, Хоразм ижрочилик услублари хусусиятлари, машҳур мусиқа жанрлари (достон, катта ашула, яллачилик)ни билиш, уларнинг машҳур ижрочиларини билиш;
- мақом ҳақида тушунча, ўзбек мақомлари ва уларни асосий туркумлари, шашмақом, унинг чолғу ашула йўллари, Фарғона-Тошкент мақомлари, Хоразм мақомлари, чолғу ва айтиш йўлларини билиш;
- Ўзбекистон ҳудудида мумтоз мусиқанинг кўп тармоқли ва маҳаллий анъаналарга эга эканлиги, уларнинг ўхшашлиги ва ўзига хослиги, маҳаллий мусиқий анъаналарнинг замонавий мусиқа, бастакорлик ва композиторлик ижоди соҳасида намоён бўлишини билиш;
- икки овозли қўшиқларни соф оҳангда куйлаш, мажор уч товушлигидан минор уч товушлигига мустақил куйлаб ўта олиш;
- куйлашда форте ва пиано динамик тусларини бажариш, ўзи ва ўртоқлари ижро этган қўшиқларнинг ижрочилик савияси ва бадиий сифатини баҳолай билиш;
- машҳур қўшиқ ва ашулалар, ёр-ёрлар ҳамда ушшоқларнинг маҳаллий услуб вариантларини тинглаб ажрата олиш;
- куйлаш ва тинглаш маданиятига эга бўлиш;
- мусиқа нақадар қадимий санъат эканлиги, ўзбек халқ мусиқасининг илдизлари узоқ даврларга тақалиб, асрлар, йиллар давомида сайқал топиб, ривожланиб келганлиги, шу боис халқимизнинг бой маданиятини, миллий қадриятларимизни ўзида акс эттиришини ва ниҳоят, ўзбек миллий мусиқамиз умумбашарий жаҳон мусиқа маданиятининг ажралмас бир бўлаги эканлигини тасаввур қила олиш.

16. Тасвирий санъат

Ўқувчилар тасвирий санъатга оид қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

- тасвирий санъатнинг кишилар ҳаётидаги аҳамиятини тасаввур қилиш;
- тасвирий, декоратив-амалий, меъморчилик санъатида ишлатиладиган асосий атама ва тушунчаларни ҳамда уларнинг маъносини билиш;
- миниатюра санъати ҳақида умумий маълумотга эга бўлиш;
- тасвирий санъатнинг назарий асосларини билиш ва уларга амалда риоя қила олиш;
- тасвирий санъат асарларининг ифодалилик воситалари (чизиқ, силуэт, ранг, ритм, симметрия, ассимметрия, композиция)ни билиш ва уларни амалда қўллай олиш;
- тасвирий санъатнинг асосий тур ва жанрларини билиш;
- ўзбек халқ амалий санъатининг турлари ва унинг машҳур усталарини билиш;
- тасвирий санъатда ижод қилувчи энг машҳур ўзбек ва чет эл рассомларининг ҳаёти ва ижодини, уларнинг айрим асарларини билиш;
- Ўзбекистон ва чет эл мамлакатларининг энг машҳур меъморчилик асарларини билиш;
- 15-20 ранг номларини айта олиш;
- тасвирий ва амалий санъат асарларини эркин ўқий олиш;
- нақшлар билан боғлиқ бадиий безак ишларини эркин бажара олиш;
- қуш, ҳайвон, одамни аслига ўхшатиб расми ва ҳайкалини тасвирлай олиш;
- расм, нақш, ҳайкал, қуриш-ясаш ишларини бажарганда турли материал ва услублардан фойдалана олиш;
- афсонавий мавзуларда расм ва ҳайкаллар ишлаганда уларни фантазия асосида тасвирлай олиш;
- тасвирлар ишлаганда ўзбек санъатининг миллий бадиий анъаналаридан мақсадга мувофиқ фойдалана олиш;
- тасвирий ишларни бажарганда техника хавфсизлиги ва гигиена қоидаларига риоя қила олиш.

17. Чизмачилик

Ўқувчилар чизмачиликка оид қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

- тўғри бурчакли проекциялаш асосларини ва содда аксонометрик тасвирларни ясаш усуллари тўғрисида тушунчага эга бўлиш;
- чизмаларни бажаришнинг ўрганилган усулларини ва асосий туташмаларни ясаш усулларини билиш;
- чизмачилик асбобларидан рационал фойдалана олиш;
- буюмларнинг шаклини асл кўринишига ҳамда уларнинг чизмаларига қараб таҳлил қила олиш;
- тасвирларнинг график таркибини таҳлил қила олиш;
- содда буюмларнинг чизмаси, эскизи ва яққол тасвирларини ўқий олиш ва бажариш;
- чизмаларда кесимлар ва қирқимларни бажариш ҳамда белгилашнинг асосий қоидаларини билиш;
- ўйма нақш солишнинг шартли тасвирлари ва белгиланишини билиш;
- йиғиш ва қурилиш чизмаларини бажариш хусусиятлари тўғрисида тушунчага эга бўлиш;
- деталларнинг асосий бирикмалари, чизмаларини чиза олиш;
- оддий қурилиш чизмаларини ўқий олиш.

18. Меҳнат таълими

Ўқувчилар меҳнат таълимига оид қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

- политехник дунёқарашга эга бўлиш;
- умуммеҳнат билим, кўникма ва малакаларини эгаллаган бўлиш;
- касблар ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш;
- қишлоқ хўжалиги ва маиший соҳалардаги ишлаб чиқариш асослари ҳақида билим ва дастлабки кўникмаларга эга бўлиш;
- материалларга бадиий ишлов бериш кўникмаларига эга бўлиш;
- муайян механизм, мослама ва машиналарнинг чизмаларини тайёрлаш кўникмасига эга бўлиш;
- уй-рўзғор электр асбобларидан ва газдан хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдалана олиш;
- электротехник меҳнат (уй-рўзғор асбобларини тузатиш) кўникмаларига эга бўлиш;
- содда дурадгорлик ишларини бажара олиш (ўғил болалар учун);
- кундалик турмушда зарур бўладиган бичиш-тикиш ишларини бажара олиш (қиз болалар);
- пазандалик маҳоратини эгаллаш;
- уй-тутиш маданияти (уйни дид билан безатиш, рўзғор тутиш, кийим-кечакларни саранжом-саришта тутиш, маданиятли кийиниш) кўникмасига эга бўлиш;
- оила иқтисодиёти (оила бюджети - кирим-чиқими, оилада меҳнат тақсимоти, оилавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш) кўникмаларига эга бўлиш;
- Ўзбекистон Республикасидаги касб-ҳунарлар ҳақида билимга эга бўлиш;
- айрим касблар бўйича дастлабки меҳнат кўникмаларини эгаллаш.

19. Жисмоний тарбия

Ўқувчилар соғломлаштириш ва жисмоний тарбияга оид қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

- овқатланиш гигиенасини билиш ва унга риоя қилиш;
- ўзини ўзи тиббий назорат қила олиш;
- жисмоний машқларни бажариш қоидаларини билиш;
- асосий туркум ҳаракатлар кўникмаларига эга бўлиш;
- гимнастика машқларини бажара олиш;
- сафланиш, югуриш, узунликка ва баландликка сакраш, мувозанат сақлаш, осилиш ва таяниш машқларини бажара олиш;
- ҳаракатли ўйинларни ва спорт ўйинларидан бирор турини ўйнай олиш;
- жисмоний тарбия бўйича мустақил машғулотлар ўтказиш учун зарурий билимга эга бўлиш;
- ўзини ўзи жисмоний жиҳатдан назорат қилишнинг асосий кўникмаларига эга бўлиш;
- организмнинг асосий системаларига жисмоний машғулотларни таъсирини билиш;
- узоқ давом этадиган югуришда ўзини ўзи назорат қилиш усулларидан фойдалана олиш;
- чидамлиликни оширишга қаратилган машқларни мустақил бажариш қоидаларини билиш ва уларга амал қилиш;
- сафланиш машқларини бажара олиш;
- 100 м гача бўлган масофага югуриш, 60-100 м масофага босқич билан эстафетали югуриш, 2 км масофага нотекис жойлар бўйлаб бир меъёрда секин югуриш машқларини бажара олиш;
- югуриб келиб узунликка "оёқ букиш" усулида сакраш машқини бажара олиш;
- гимнастика, умумривожлантирувчи машқлар ва содда акробатика машқларини бажара олиш.

ТАЪЛИМНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Тажриба-синов жараёнида давлат таълим стандартларида белгиланган даражанинг ўқувчилар ёшининг психофизиологик хусусиятларига мослиги, ўқув материалларининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишидаги сифат кўрсаткичлар, мавзуларнинг тадрижийлиги, ўзлаштириши қийин бўлган мавзулар экспериментатор ўқитувчилар, олимлар, методистлар томонидан аниқлаб борилди ҳамда натижалари муаллифларга етказиб турилди.

Таъкидлаш жоизки, ўқув йили давомида тажриба-синов натижалари илмий -методик нуқтаи назардан чуқур таҳлил қилинди ҳамда стандартлар ва ўқув дастурлари мазмунига ислоҳотларнинг бош мақсадидан келиб чиққан ҳолда зарурий тузатишлар киритилди. Бунда асосий эътибор, мамлакатимизда амалга оширилаётган оламшумул ислоҳотлар моҳияти, ёшларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида Ватанга муҳаббат, истиқлолимиз ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш масалаларига қаратилди.

Янги таълим тизимига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда тажрибасинов натижалари асосида такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари мазмунида давлат ва жамиятнинг ижтимоий буюртмаси, ўқувчи шахсининг қизиқиши ва эҳтиёжлари, таълим турлари ва босқичлари орасидаги узлуксизлик ва узвийлик, таълим мазмунининг илмийлиги, миллий ва умумбашарий қадриятларга, ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтирилганлиги ўз ифодасини топган.

Куни кеча давлат таълим стандартлари мамлакатимиз Ҳукумати томонидан тасдиқланди. Унинг жорий этилиши таълим жараёнини бошқариш, ўқувчиларга пухта билим бериш, уларни камол топтиришда ижобий ўзгаришлар қилишга, педагогик ижодкорлик учун, улар асосида ихчам дастурлар, дарсликларнинг янги авлодини, янги педагогик технологиялар яратиш учун кенг имкониятлар очиб беришига ишонаман.

- Жўра Ғаниевич, сизнинг оддий ўқитувчиликдан вазир даражасидаги босқичларни босиб ўтганлигингизни кўпчилик билади. Бугун ушбу босқичлардаги иш қандай кетяпти, деб ўйлайсиз? Ҳар бир босқич мутасаддилари ўз вазифаларини тўғри англашганми? Уларнинг ўрнида бўлганингизда қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор берган бўлардингиз?

- Саволингизнинг қамрови жуда кенг. Унга бирон мисол тариқасида жавоб бериш ўринли бўлади, деб ўйлайман. Умуман олганда ўз вазифасини яхши билган таълим мутасаддиларимиз кўп. Бироқ ишни орқага тортаётганлар ўз вазифасини тўлиқ англай олмаганларидир. Хўш, уларнинг ўрнида ўзим бўлганимда ишни нимадан бошлардим? Дейлик, мен оддий кимё фани ўқитувчисиман. Ишни ўқувчиларимнинг билим даражасини аниқлашдан бошлаган бўлардим. Улар қайси мавзуни тўла тушунишмади, нега шундай бўлди, каби саволларни қўяр эдим ва уларга жавоб қидирардим, тиним билмай ўз малакам устида ишлардим. Давлат дастури, стандарт талаблари асосида эгаллаши зарур бўлган тушунча, билим, малака, кўникмаларни эгаллай оляптими, деган савол ҳамиша ўй-хаёлимда бўларди.

Мактаб раҳбари эса бундай таҳлилни ҳар бир ўқитувчи бўйича доим олиб бормаса, илғорларни рағбатлантирмаса, қолоқларни огоҳлантирмаса, у жамоада ишнинг самараси бўлмайди. Шундай мактаб директорлари аввало ўз жамоаси ишини таҳлил қилмайди, бировлар таҳлил қилиб, камчиликларини кўрсатганда ҳам уларни бартараф этиш ўрнига турли баҳоналарни рўкач қиладилар. Биз бундай лоқайд раҳбарларни аниқлаб, улар билан хайрлаша бошладик.

Айрим туман халқ таълими бўлими мудирлари ўз тумани таълими Республика миқёсида қай даражада эканликларини таҳлил қилиб кўрмайдилар. Ваҳоланки, Давлат тест маркази ҳар йили абитуриентларнинг жавобларидан келиб чиқиб самарадорлик кўрсаткичларини, ҳатто мактабма-мактаб, фанлар бўйича аниқлаб беради. Мен уларнинг ўринларида бўлганимда қайси фанлар бўйича оқсаяпмиз, нега шундай бўляпти каби қатор саволларга илмий жавоб излаган бўлардим ва уни тузатиш тадбирларини ишлаб чиққан бўлардим.

Юқоридаги фикрлар таълим мазмуни ҳақида. Бундан ташқари, маънавий-маърифий ишлар, ҳуқуқбузарликни олдини олиш, спорт ишларини ривожлантириш ва ҳоказо йўналишлар бўйича ҳам чуқур таҳлиллар керак. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалий тадбирлар ишлаб чиқиш ва ижросини назорат қилиш таълим раҳбарлари зиммасидаги вазифалардир.

Малака ошириш институтлари, туман методика хизматлари аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун чора-тадбирлар белгилаш, педагогик жамоаларга амалий ёрдам бериш вазифасини бажариши лозим. Умуман, ҳар бир ходим ўз вазифасини сидқидилдан бажарса, таълим самарадорлиги ошиб бораверади.

- Янги, XXI аср арафасида, чунончи, 1999 - 2000 ўқув йилида халқ таълими тизими ходимлари олдида қандай асосий вазифалар турибди?

- XX асрнинг охирги ўн йили мамлакатимиз халқлари ҳаётида катта воқеаларга бой бўлди. Мустақиллигимиз шарофати билан тарихан қисқа муддатларда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ривожланишнинг турли жабҳаларида жиддий ижобий ўзгаришларга эришдик. Халқимизнинг асрлар давомидаги орзу-умидлари рўёбга чиқди. Буни таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Юқорида келтирилган далиллар буни исботлайди.

Галдаги вазифа, эришган ютуқларни мустаҳкамлаш, таълим-тарбия самарадорлигини «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган тамомила янги поғонага кўтаришдан иборатдир.

Хўш, бу вазифалар нималардан иборат?

Биринчидан. Мустақиллик йиллари жамиятимизда маънавият ва маърифатни ривожлантириш, айниқса, ёшларимизнинг тарбияси билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда. Аммо очиқ тан олиш керакки, ёшларимизни ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш йўналишида қатор камчиликлар, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар мавжуд.

Айнан шунинг учун янги ўқув йилида мазкур йўналишдаги ишлар тубдан қайта ташкил этилади. Яқинда маънавий ва маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарлари фаолиятлари билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилди. Уларнинг иш тартиби ўзгартирилди, масъулияти оширилди.

Ишни шундай ташкил этиш керакки, ҳар бир ўқувчи қизиқиши, хоҳиш-истак талаблари асосида бирор ташкилот ёки тўгаракларга иштирок этсин.

Мактабларда «Амир Темур авлодлари», «Фидокорлар», «Ватан посбонлари», «Ёш экологлар» каби қатор клублар, ташкилот ва тўгараклар ташкил этилади. Шу билан бирга мактабдан ташқари муассасалар фаолияти қайта кўриб чиқилади. Жумладан, тўгараклар фаолияти билан боғлиқ дастурларнинг янги авлоди яратилиб тажриба - синовдан ўтказилади.

Мактабдан ташқари муассасаларда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб таълим хизматлари йўлга қўйилади.

Иккинчидан. Тажрибадан ўтган стандартлар ва дастурларни ўқув-тарбия жараёнига жорий этиш асосий вазифалардандир. Бунинг учун аввало август кенгашларининг шўъба йиғилишларида юқорида таъкидланган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, уларнинг мазмун-моҳиятини ҳар бир педагог онгига сингдириш лозим. Педагоглар эса, ўз навбатида янги стандарт ва дастурлар билан аввалги ҳужжатлар орасидаги фарқни, янгисининг устун жиҳатларини англаб олишлари ва уларни қандай қилиб амалда қўллаш кераклигини билишлари талаб этилади. Масалан, янги дастурлар оддийдан мураккабга, ўқувчиларнинг тафаккурини ўстиришга, мустақил фикрлашга ўргатиш, ватанпарварлик каби хислатларни тарбиялаш каби қатор жиҳатларни қамраб олганки, буларни педагоглар юракларидан ўтказишлари ва уларни амалга ошириш усулларини ишлаб чиқишлари катта аҳамият касб этади. Шу ўринда вилоятлар халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш институтлари, туман методика кабинетлари стандарт ва дастур муаллифларини жалб қилган ҳолда қисқа муддатли курслар, доимий ҳаракатдаги семинарлар ўтказишлари муҳимдир.

Учинчидан, таълим ходимларининг малакасини ошириш бизнинг доимий диққат-марказимизда бўлади.

Яқинда мутахассисларимиз Ғарбий Европанинг ривожланган давлатлари мутахассислари билан ҳамкорликда малака ошириш тизимидаги афзаллик ва муаммоларни махсус сўровлар орқали илмий таҳлилга тортдилар. Аниқланишича, муаллимнинг ўз йўналиши бўйича касбий маҳоратини ошириш, янги ўқув услубларини ўрганиш имконияти, тажриба алмашуви ва тажрибали муаллимлар маҳоратини ўрганиш имконияти, компьютерни ўрганиш (такомиллаштириш) имкониятларининг мавжудлиги малака ошириш институтларининг афзаллиги ҳисобланса, ўқитиш услубининг сустлиги, замонавий ва керакли адабиётлар танқислиги, малака ошириш институтларида шароит яхши эмаслиги, кераксиз фанларнинг кўплиги, юқори малакали ўқитувчилар етишмаслиги заиф томонларидир.

Биз мазкур ва бошқа тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, малака ошириш институтларининг 40 дан ортиқ тоифа бўйича ўқув малака оширувчиларга қўйиладиган давлат талабларини ишлаб чиқдик ва у синовдан ўтказилади.

«Устоз» жамғармаси билан келишган ҳолда ўқитувчиларимизни чет элнинг илғор тажрибаларини ўрганишлари учун шароит яратилади.

Тўртинчидан, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш вазифасидир. Бунда «Халқ таълими вазирлигига таълимни ислоҳ қилишда кўмаклашиш» ТАСИС дастури амалга оширилиб, вазирлик ҳамда Республика таълим маркази Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари халқ таълими бўлими ва икки мактаби, Қибрай ва Шаҳрисабз туманлари халқ таълими бўлимлари ва уларнинг иккитадан мактаби, жами 13 та объект маҳаллий тармоқ орқали Internet жаҳон коммуникация тармоғига уланади.

Шу билан бирга Осиё ривожланиш банки билан малака ошириш тизимининг самарадорлигини ошириш борасидаги лойиҳа бўйича ишни давом эттириш ҳам муҳим вазифалардандир.

Бешинчидан, Республика бўйича авария ҳолатидаги мактаблар сонини 275 тадан 208 тага қисқартириш, 602 та таълим муассасасини табиий газ тармоқларига улаш, 215 та таълим муассасасини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Кўп ўтмай янги ўқув йили бошланади. Биринчи синфга борадиган жажжи болажонларимизга Президентимизнинг совғалари топширилади. Шунингдек, 1-4-синф ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар болаларига иссиқ кийимлар бепул берилади. Бу вазифани сидқидилдан, ҳалол бажариш ҳам таълим мутасаддиларининг вазифаси, бурчидир.

— Сўнгги савол. Энг улуғ, энг азиз бўлган мустақиллигимиз байрами, шу билан бирга янги ўқув йили арафасидамиз. Халқ таълими ходимларига қандай тилакларингиз бор.

-Биз - педагоглар, халқ таълими ходимлари зиммасига баркамол авлодни тарбиялашдек муқаддас вазифа юкланган. Уни сидқидилдан бажариш, рўёбга чиқаришда ҳар бир халқ таълими ходимига шижоатли, матонатли, ижодкор, фидокор, бунёдкор бўлишларини тилайман.

Мустақиллик байрамингиз, янги ўқув йилингиз билан табриклайман.

- Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

ЭРКИН ФИКРЛАШ ИСТАКМИ Ё ЗАРУРИЯТ...

(Боши 1-бетда)

Ҳали икки ярим ёшга тўлмаган бола кийимларини алмаштиришдан тортиб, овқатланишгача, ҳожатини бажаришдан, ювиниб таранишгача — барча-барчасини мустақил бажаради. Овқатланиб бўлгач, фотиҳа сўраб нигоҳини бобосига қаратади. Оиладагиларнинг бири педагог, бири шифокор, яна бири олим. Шу боис барча хоналарда китоблар, турли қўлёзма ишлар тўп-тўп кўзга ташланади. Болакай улар оила аъзоларининг зарур ашёлари эканини фикран идрок қилади ва биронтасини ўйнаш ёхуд йиртиш сингари ножўя ҳаракат қилмайди. Бу сифатлар бола тарбиясига катталарнинг жиддий эътибор бериши, тарбиядаги собитқадамлик шарофатидир.

Невара тарбиясини қачон ва нимадан бошладингиз? — деган саволимга, бобо иккиланмай: «унга исм қўйишдан, яъни бақувват ҳамда соғлом бўлсин учун исмини Баҳодир дея атаганман» деди.

Табиатдаги барча нарсаларга синчков болакай баҳорги ёмғирдан сўнг ҳовли саҳнида ҳосил бўлган кўлмак сувларни туташтирмоқчи бўлиб ариқча қазий бошлайди. Болада яратишга, ихтирога қизиқишнинг сўнмаслигини кузлаб бобо болакай қўлидаги тешани митти куракчага алмаштирди. Қарабсизки, ҳаракат осонлашди, ишнинг суръати ва сифати ошди. Бироқ ариқ пешма-пеш сувга тўлиб, куракча ерга урилганда лойқа сув болага, атрофга сачрай бошлайди. Бундай нохушликдан болада гайрат сўна бошлади. Уни пайқаган бобоси ариқ қазишни сув сатҳи баланд кўлмақдан эмас, аксинча сув сатҳи паст кўлмақдан бошлашга даъват қилди. Дастлабки дақиқалардаёқ муваффақиятдан мамнун бўлган болакай ишни ғайрат билан давом эттирди. Пировардида сув пастки ҳавзага томон оқиб, юқоридаги кўлмақда сув қолмаганидан бола юзида кўтаринкилик, мамнунлик аломатлари балқийди. Аммо сув нечун бир кўлмақдан иккинчисига ўтгани бола учун сирлигича қолди. Айни шу ҳолатни боланинг идроки даражасида тушунтира билиш эркин фикр тарбиясида муҳим босқич ҳисобланади.

Шундай ишга такроран қўл урган бола қандай асбоб билан ишлашни ва ишни қандай бошлашни мустақил ҳал қила олади.

Бу иш жараёнида мурғак қалбидаги кечинмаларни «Катта Фарғона канали»ни қазишда иштирок этган кишининг кечинмаларига тенглаштириш мумкин. Бобосининг чорбоғи (микро дунё)даги сайрдан эса у катталарнинг қиру адирларга борганида оладиган таассуротнинг лаззатини олади. Хуллас, мукаммал (тўлиқ циклли) оила ва унинг маънавияти ҳамда доимий табиат қўйнида кечувчи ҳаёт болакайнинг тенгқурларидан анча илгарилаб кетишини таъминлаган.

Бироқ, баъзида даҳшатли табиат ҳодисаларидан ута таъсирланиш, кучли ҳис-ҳаяжон бола руҳиятида қўрқиш, ҳадиксираш, инжиқлик сингари кайфиятларга ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Бир қарашда болаларга ўйин, шунчаки кўнгил очиш, эрмакдек туюлсада, унда тафаккурни пешлаш, мустақил фикрлашни тарбиялаш имкониятлари яширинган. Шу сабабдан болалар учун хилма-хил ўйинчоқлар, турли дидактик ўйин воситалари, бир сўз билан айтганда, саноат асосида «болалар дунёси» яралган бўлсада, аммо уларни харид қилиш имкони чекланган ҳолатларда уйдаги барча жиҳозлар, дарахтлар, парранда ва ҳоказолардан болани фикрлашга ўргатиш воситаси сифатида фойдаланса бўлади.

Чунончи ҳовлидаги гул турларининг ранги, бўйига қараб гуруҳлаш ёки айни шу гул тупларининг очилган, очилмаганига кўра гуруҳлаш, паррандаларни эса катта-кичиклиги, ранги ва ҳоказо белгиларига қараб гуруҳлаш машқларини бола билан олиб бориш мумкин. Бундан айнан мустақил фикрлаш намоён бўлмасада, эркин тафаккур замини пешланади.

Нонуштадан сўнг тарелка ёки пиёлаларни хиллаб йиғиштириш, қошиқлар сонини аниқлаш сингари топшириқлар мактабгача ёшдаги болалар тарбиясига ҳам, идрокига ҳам ижобий таъсир этади.

Демак, тарбия учун махсус вақт талаб қилинмагандек, эркин фикрлашга ҳам алоҳида вақт шарт эмас. У исталган фаолиятга уйғун, унинг таркибида содир бўлади. Аммо хилма-хил воситалар бўла туриб, таълимий усуллардан фойдалана билмаслик оқибатида имкониятларнинг бой берилиши ҳам мумкин.

Демак, инсон боласи учун эркин фикрлаш ҳаётий зарурат, унинг самараси кўп жиҳатдан оила муҳитига, ота-онанинг, мураббийнинг йўналтирувчи таъсирига боғлиқ экан.

Сароят КАРИМОВА,
Тошкент педагогика коллежининг олий тоифали ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди

O'zbekiston qo'shiq bayrami

Ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 8 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Қўшиқ байрами»га якун ясалиб, ғолиблар аниқланди. Кўрик-танлов ҳайъат раиси Рустам Абдуллаев шундай дейди:

— Юртбошимиз ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу қўшиқ байрами дунёдаги ягона қўшиқ байрамларидан ҳисобланади. Бошқа мамлакатларда бизчалик қўшиқлар байрами кенг нишонланмайди. Ҳар йили ўтаётган «Қўшиқ байрами»нинг ўзига хос аҳамияти, салобати бор. Мен бу йилги қўшиқ байрамида халқимизнинг санъатга бўлган қизиқиши, ёш талантларнинг кўпайгани, ва ниҳоят, қўшиқчилик санъатимизни, куйимизни янада ривожланаётганини кўряпман. Шу боисдан, йилдан-йилга анъанавий туста қириб бораётган бу байрамимиз янги поғоналарга кўтарилмоқда. Айниқса, янги қўшиқ, янги куй асосидаги ижролар алоҳида кўзга ташланади. Бу байрам тадбири орқали янги истеъдодлар сони кўпаймоқда.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Республика қўшиқ байрамида 1-ўринни олган Республика маданият ишлари вазирлигидан Шаҳло Рустамовани ғалаба билан табриклаб, ўзи ҳақида гапириб беришларини сўрадик.

— Мен асли Фарғона вилоятиданман. Вилоят «Ўзбекнаво» гастрол бирлашмаси хонандасиман. Болалик чоғларимданоқ қўшиқ айтишга қизиққанман. Кўпгина устоз санъаткорлар сабоғи менинг бугунги ғалабамнинг асосидир. Танловда Иномжон Турсун шеъри, ўзимнинг мусиқам билан «Огоҳ бўлинг» қўшиғини айтдим. Эришган ютуғим нафақат меники, энг аввало, устозларимники деб биламан. Кўрик-танловда ҳоҳ профессионал, хоҳ ҳаваскор қўшиқчи бўлсин, барчаси одилона баҳоланди. Танловда ватанимизни мадҳ этувчи қўшиқлар ижро этилди. Менга Бухоро вилояти томонидан Ражаб Авезов мусиқаси билан айтилган «Аёл муқаддас, ҳам ватан муқаддас», Ошиқ Эркин шеъри, Зафар Қурбонбоев мусиқаси билан «Халқим» қўшиқлари жуда ёқди.

Танловда фахрли 2-ўрин соҳиби Манзура Қодирқулова ҳамда рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари андижонлик Дурдонахон Юсупована, қорақалпоғистонлик Сарвиноз Аннақуловаларни суҳбатга тортганимизда улар ҳам бу йилги танловдаги кўтаринки руҳни алоҳида таъкидладилар.

Биз суҳбатлашган кўрик ғолиблари фикрларидан англаган бўлсангиз «Қўшиқ байрами» кўриги барча санъат ихлосмандларига маъқул бўлиб, республикамизнинг чекка ўлкаларидан ҳам ширали овоз соҳибларини халқимизга танитиш имкониятини берибгина қолмай, улар ўртасидаги дўстликни санъатдаги алоқаларни ривожлантириш учун очилган катта йўлдир. Бу йўллар очиқ йўллар, кўрик-танловлар эса давом этаверади.

Мухтасархон КАРИМОВА

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

XX1 аср ахборот асри бўлади. Унга етук мутахассислар билан қадам қўйиш, албатта, бугунги тажрибали, ижодкор ва фидоий ёшларга бериладиган билимга боғлиқ. Шундай эзгу мақсадли муаллимларни Тошкент компьютер лицейимизга қуйидаги ўқув фанларини ўқитиш учун ишга таклиф этамиз:

— физика, математика, инглиз тили ўқитувчилари;

— иқтисод ва ЭҲМ фанлари бўйича ўқитувчи-муҳандислар.

Манзилимиз: Тошкент ш, Ҳамза тумани, Оқдарё кўчаси, 122-уй, 15, 26, 106 автобусларнинг «Жамила» магазини бекати. Мўлжал «Ёғ-мой комбинати»

Тел: 93 - 00 - 09
93 - 46 - 53

Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги 56-мактаб томонидан 1992 йилда Усмонходжаев Музаффар Талъатович номига берилган 099841 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

1980 йилда Тошкент педагогика билим юрти томонидан Бурибоева Бувихадича Амановна номига берилган ГТ - I № 271385 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ВИЛОЯТ, ТУМАН (ШАҲАР) ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАЛАРИ, БЎЛИМЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Маънавият» нашриёти халқимизнинг маънавий мероси дурдоналарига дахлдор китобларни чиқариш баробарида бевосита академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва ўрта умумтаълим мактабларининг юқори синфлари учун ўқув фанларидан кўргазмали қуроллар тайёрлаб сотувга чиқарди. Жумладан, физика (18 кўринишда), химия (12 кўринишда), она тили ва адабиёти (22 кўринишда) фанлари мавзуларини ўқувчига пухтароқ етказишга хизмат қиладиган жадваллар, турли чизмалар ва ижод намуналаридан иборат бу ёрдамчи воситалар шу кунларда нашриётда мавжуд. Шунингдек, ўқитувчилар ва ўқувчиларни байрамларда, ўқув йили чораклари якунида рағбатлантириш учун «Фахрий ёрлиқ» ва «Maqtov yorlig'i» ҳам мавжуд. Бу маҳсулотларни сиз «Маънавият» нашриётидан харид қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шодлик кўчаси, 6-уй.
Мўлжал «Боғи эрам» истироҳат боғи.

Тел: 68-24-15, 67-22-14, 67-07-31.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Рустам БОЙМАТОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-0641. Тиражи 24.190.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди — 20.00.